

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг газна ижроси қоидаларига  
8-ИЛОВА

2022 йил «08» январдаги Гиждувон туман 2-сон санатория туридаги ихтисослаштирилган  
давлат таълим мактаб -интернати ва «Zarafshon ta'minot-2019» МСНЖ ўртасида  
50460000 сўм умумий суммага тузилган 21- сонли шартномага  
ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\*

Боб 75

Шахсий газна ҳисобварақ 100021860062157092300075002


(сўмда)

2022 йил ойлар номи.	Харажатлар тури Булим 7092, кичик булим 300 (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4252300	...	...	
Январь	50460000			50460000
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами 2022 йил бўйича	50460000			50460000

Жами: 50460000 (Эллик миллион тўрт юз олти миш минг) сўм


Юқоридаги кўрсатилган суммадан 15138000 сўм ёки шартноманинг умумий суммасидан 30%  
2022 йил январь ойида тўланиши лозим.

Буюртмачи раҳбари



Ф.С.Сагаторов  
Ф.И.О.

М.Ў.  
Буюртмачи  
бош бухгалтери



Б.Б.Хазраткулов  
Ф.И.О.

Газначилик бўлинмасининг

ходими қабул қилди \_\_\_\_\_  
(имзо)

Буюртмачи ходими

қабул қилди \_\_\_\_\_  
(имзо)

2022 й. «\_\_» \_\_\_\_\_

2022 й. «\_\_» \_\_\_\_\_

**ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 21**

Гиждувон тумани

« 08» январь 2021 йил

«Zarafshon ta'minot-2019» МСНҲ кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми асосида иш юритувчи рахбари М.Нуриддинов бир томондан ва Гиждувон туман 2-сон санатория туридаги ихтисослаштирилган давлат таълим мактаб-интернати, к сийнги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, ўзининг Устави асосида иш юритувчи рахбари Ф.Сатторов иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

**1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ**

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (маҳсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Ун 1 навли	кг	110	5500	605000
2	Печенье	кг	60	15000	900000
3	Макарон	кг	70	6500	455000
4	Ок канд	кг	350	9000	3150000
5	Шоколад	кг	60	25000	1500000
6	Куюлтиртлган сут	кг	300	21000	6300000
7	пишлоқ	кг	80	30000	2400000
8	Сариёғ 82,5%ли	кг	150	37000	5550000
9	Усимлик ёғи	литр	60	19000	1140000
10	Тухум1 тоифа ( Д1)	дона	2300	900	2070000
11	сок Jesco	литр	500	7000	3500000
12	Колбаса	кг	80	32000	2560000
13	Мол гуштидан сосиска	кг	80	28000	2240000
14	Перловка	кг	60	7000	420000
15	Нухат	кг	100	16000	1600000
16	Г речка	кг	60	14000	840000
17	Манная ёрмаси	кг	40	7000	280000
18	Бугдой ёрмаси	кг	60	4000	240000
19	Кук чой	кг	10	30000	300000
20	Асал	кг	200	45000	9000000
21	Тузланган помидор	кг	200	10000	2000000
22	Томат	кг	60	15000	900000
23	Мевали Павидло	литр	50	15000	750000
24	Майиз(кора)	кг	80	22000	1760000
	<b>Жами:</b>				<b>50460000</b>

**2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ**

- 2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси :50460000(Эллик миллион турт юз олтимиш минг )сўмни ташкил этади.
- 2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тўлов миқдори 15138000сўмни, яъни, белгиланган сумманинг 30фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг январь ойида амалга оширилади. Яқуний тўловнинг миқдори эса 35322000сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу яқуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг ушбу шартнома амал қилиш муддати тугагунча амалга оширилади.
- 2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

**3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

- 3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:**
- 3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.
- 3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.
- 3.1.3. Сотувчи тўлашда яроқсиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб \_\_\_ кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.
- 3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.
- 3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.
- 3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:**
- 3.2.1. Қабул қилиш далолатмасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.
- 3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб \_\_\_ кун ичида сотувчини хабардор қилади.
- 3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

**4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ**

- 4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига қўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.
- 4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инobatга олиниши зарур.
- 4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Товари топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ коплайди ва куйидаги миқдорда жарима тўлайди:  
5.2. Товари тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорда неустойка тўлайди.  
5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдорда жарима тўлайди:  
5.4. Шартномада белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 10% миқдорда жарима тўлайди:  
5.5. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорда, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.  
5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 6.1. Мазкур шартнома 2022 йил «31» декабр гача амалда бўлади.  
6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.  
6.3. Шартнома муддатидан олдин куйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:  
- томонларнинг келишувига мувофиқ;  
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда;  
- Форс-Мажор ҳолатларида.

## 7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

- 7.1. Ўзбекистон Республикаси "Бюджет кодекси"нинг 122-моддасига асосан бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ажратиладиган маблағлар бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан тузган шартномалари, шунингдек уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар улар газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин кучга кириши назарда тутилган.

## 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

- 8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси, Ўз.Р. Бюджет кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.  
8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади.  
8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади.

## 9. БОШКА ШАРТЛАР

- 9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»

«Zarafshon ta'minot-2019» МСНЖ

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил: Навоий вилоят Зарафшон шаҳри.  
Тел./факс (91)402-34-44  
х/р 202080000051100343001  
Банк номи Зарафшон шаҳар АТБ «Халк банк»  
Зарафшон филиали  
МФО 00709 СТИР 306572234  
ОКОНХ:

«Буюртмачи»

Ғиждувон туман 2 – сон санатория туридаги

ихтисослаштирилган давлат таълим мактаб - интернати

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил :Ғиждувон туман А.Навоий кучаси№ 63уй  
Тел./факс 57 21 4 57,57 21- 9- 42  
ш/хв: 100021860062157092300075002  
бюджетдан маблағ олувчи СТИРи201698462

ИФУТ 85200

Ғазначилик бўлинмасининг номи:

Бухоро вилоят бўйича Ғазначилик бошқармаси

ЯҒҲ23 402 000 300 100 001 010

Банкнинг номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)  
МФО:00014 Ғазначилик бўлинмасининг  
СТИРИ: 2011229197

Раҳбар \_\_\_\_\_ Ф.Сагторов

(имзо) (Ф.И.Ш)

Раҳбари:

М.Нуриддинов

Ҳуқуқшинос (ИМЗО ва Ф.И.Ш):

Ғубоҳнома (диплом) № ва берилган санаси:

096 20.12.2018 йили

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Гиждувон туман 2-сон санатория туридаги ихтисослаштирилган давлат таълим мактаб-интернати директори Ф.Сатторов

2-сон санатория туридаги ихтисослаштирилган давлат таълим мактаб-интернати укувчилари учун олинган озик-овкат махсулотлари нархини аниқлаш бўйича танлов комиссиясининг йиғилиш

БАЁНИ

2022 йил «08» январь

Гиждувон шаҳри

Таркиб	Лавозими	Ф.И.Ш
Раиси:	Бош тарбиячи	Г.Хасанов
Комиссия аъзолари:	Касаба уюшма раиси:	Ж.Хасанов
	Бош ҳисобчи:	Б.Хазраткулов
	Хужалик ишлари мудир	Г.Ибрагимов
	Омбор мудир:	Б.Хасанов

КУН ТАРТИБИ:

Эркин савдо орқали бюджет ташкилоти фаолияти учун олинган озик-овкат махсулотлари нархини аниқлаш, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2016 йил 22 декабрда 2850-сон билан рўйхатга олинган “Бюджет тизими бюджетларининг Ғазна ижроси қондалари”га асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги 3953-сонли Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунини амалга ошириш чора тadbирлари тўғрисидаги қарорига асосан савдолар таққослаш йўли билан эркин танловда амалга оширилиши лозим.

Шунга асосан, танлов савдосига тақдим этилган етказиб берувчиларнинг тижорат тақлифларидаги нархларини солиштирма (рақобат) варақаси таққослаб қўрилди:

соли	Товар ва хизмат			Махсулот етказиб берувчилар номи		
	Бир бирлик нархи	Ўлчов бирлиги	Махсулот номи	«Zarafshon ta'minot-2019» МСНЖ	«Бахорий савдо харид» МСНЖ	«Турсунова Мукаддас» МСНЖ
110	5500	кг	Ун 1 навли	5500	5600	5700
60	15000	кг	Печенье	15000	16000	17000
70	6500	кг	Макарон	6500	7000	7200
350	9000	кг	Ок қакд	9000	9000	9300
60	25000	кг	Шоколад	25000	26000	27000
300	21000	кг	Куюлтирилган сут	21000	22000	23000
80	30000	кг	пишлоқ	30000	32000	34000
150	37000	кг	Сариеғ 82,5%ли	37000	38000	40000
60	19000	литр	Усимлик ёғи	19000	20000	21000
2300	900	дона	Тухум1 тоифа ( Д1)	900	1200	1150
500	7000	литр	сок Jesco	7000	7500	7200
80	32000	кг	Колбаса	32000	33000	35000
80	28000	кг	Мол гушtidан сосиска	28000	30000	32000
60	7000	кг	Перловка	7000	7500	7800
100	16000	кг	Нухат	16000	18000	17000
60	14000	кг	Гречка	14000	15000	16000
40	7000	кг	Манная ёрмаси	7000	7500	8000
60	4000	кг	Бугдой ёрмаси	4000	4500	5000
10	30000	кг	Кук чой	30000	32000	33000
200	45000	кг	Асал	45000	48000	50000
200	10000	кг	Тузланган помидор	10000	12000	14000
60	15000	кг	Томат	15000	16000	17000
50	15000	литр	Мевали Пavidло	15000	16000	17000
80	22000	кг	Майиз(кора)	22000	23000	24000

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Юкорида танлов савдосига тақдим этилган етказиб берувчиларнинг тижорат тақлифларидаги нархларини солиштирма (рақобат) варақасига асосан «Zarafshon ta'minot-2019» МСНЖ таъминотчи савдо ғолиби ҳисоблансин.
2. Танлов якунлари бўйича ушбу таъминотчи билан 50460000(Эллик миллион тўрт юз олтмиш минг) сўмга шартнома тузиш учун музоқарага киришилсин.
3. Танлов комиссиясининг баённомаси ўқиб берилди ва тўғри тузилди деб тан олинди.

ИМЗОЛАР

Раиси:	Бош тарбиячи	Г.Хасанов
Комиссия аъзолари:	Касаба уюшма раиси:	Ж.Хасанов
	Бош ҳисобчи:	Б.Хазраткулов
	Хужалик ишлари мудир	Г.Ибрагимов
	Омбор мудир:	Б.Хасанов